



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 октябрь куни АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) администратори Саманта Пауэр бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Делегация Марказий Осиё мамлакатлари ва АҚШнинг вазирлар даражасидаги тараққиёт масалалари бўйича учрашувида иштирок этиш учун мамлакатимизда бўлиб турибди. Конструктив ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистонда USAID билан ҳамкорликда соғлиқни сақлаш, таълим, "яшил" энергетика, агробизнес ва бошқа йўналишларда бир қатор лойиҳалар рўёбга чиқарилгани ва давом эттирилаётганини таъкидлаш жоиз.

Суҳбат чоғида жорий йилнинг сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош Ассамблеяси сессияси доирасида бўлиб ўтган "С5+1" форматидаги давлат раҳбарлари саммитида эришилган келишувларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ҲУДУДЛАРДА ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИНИ ЯХШИЛАШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 23 октябрь куни ҳудудларда ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини яхшилаш, озик-овқат экинларини экиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳудудий ва ижтимоий дастурларда ичимлик суви таъминоти алоҳида ўрин эгаллайди. Бу борада хизмат сифатли ва доимий бўлиши учун нарх муносиблиги муҳим.

Таҳлилларга қараганда, бугунги кунда 1 куб метр ичимлик суви таннархи Тошкент шаҳрида 448 сўм бўлгани ҳолда Наманганда қарий 3 минг сўмни, Самарқанд ва Навоийда 2 минг 600 сўмни ташкил қилади.

Сув ишлаб чиқариш таннархида электр энергияси улуши республика бўйича ўртача 27 фоиз. Лексин Фаргона, Наманган ва Тошкент вилоятида бу кўрсаткич юқори.

Маълумки, юртимизда муқобил энергиядан фойдаланишни кенгайтириш мақсадида корхона, ташиқлот ва аҳоли хонадонларида қуёш панеллари ўрнатилмоқда. Лексин йилига 880 миллион киловатт-соат электр истеъмол қиладиган сув таъминоти корхоналарининг бу борадаги иши сезиларли эмас.

Давлатимиз раҳбари вилоят ҳокимларига ичимлик суви таннархини арзонлаштириш вазифасини қўяр экан, бунда энг катта манба сув корхоналари ишлатадиган электрнинг бир қисмини "яшил энергия"га ўтказиш эканини таъкидлади.

Масалан, ҳозирда сув корхоналари 1 киловатт-соат электрни 900 сўмдан сотиб оляпти. Қуёш станцияларида ишлаб чиқарилган электр нархи эса ўртача 350-400 сўм, яъни 2 баробардан зиёд арзон. Инвесторларни жалб қилиб, сув иншоотлари атрофидаги бўш майдонларда қуёш панеллари ўрнатиш мумкин.

Шунингдек, эскирган ичимлик суви насосларини энергия тежамкорига алмаштириш зарурлиги айтилди.

Сув бўйича лойиҳалар қийматини қайта кўриб чиқиш, уларда ишлатилмайдиган материалларни маҳаллийлаштириш имкониятлари кўрсатиб ўтилди.

Соҳадаги янги лойиҳалар бундан буён бевосита жойларга чиқиб, аҳолининг фикри ва розилиги олингандан кейин маҳаллий кенгашларда муҳокама қилиниши белгиланди. Лойиҳага қанча маблағ ажратилгани, пудратчиси қайси корхона экани, қачон ишга тушиши билан боғлиқ барча маълумотлар эълон қилиб борилади. Шу орақли бу борада ҳам жамоатчилик назорати кучайтирилади.

Йиғилишда боғ ва тоқ қатор ораларига экин экиш тадбирларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Юртимизда 331 минг гектар боғ ва 153 минг гектар тоқзор бор. Уларда қатор ораларидаги ерларга пияз, саримсоқ, сабзи, баҳор ойларида ер ёноқ, картошка, помидор ва бодиринг экилса, бозорларимизга қўшимча маҳсулот, аҳолига даромад бўлади.

Шу боис, вилоятларда йил якунига 92 минг гектарга тўқсонбости усулида сабзавотлар экиш, бунга уруғлик ва сув етказиб бериш чора-тадбирлари белгиланди. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидagi илмий-тадқиқот институтлари иқлимга мос экин турлари, агротехникаси бўйича илмий тавсиялар бериб боради.

Белгиланган чора-тадбирлар сув хўжалиги соҳасининг барқарор ишлаши ва озик-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга, пировардида халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилгани қайд этилди.

Йиғилишда соҳа мутасаддилари ва вилоят ҳокимларининг кун тартибидagi масалалар бўйича ҳисоботлари тингланди.

ЎЗА

МУНОСАБАТ

“БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ” – Буюк ипак йўлини қайта тиклашга қаратилган улуғвор ғоя

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 17–18 октябрь кунлари “Бир макон, бир йўл” учинчи халқаро форумида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Пекин шаҳрида бўлди. Форумда савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, транспорт-коммуникациявий боғлиқликни кучайтириш, “яшил” тараққиёт, рақамлаштириш каби долзарб масалалар муҳокама қилинди. “Бир макон, бир йўл” ташаббусининг 10 йиллик юбилей даврида кўп томонлама ҳамкорликда эришилган асосий натижалар сарҳисоб қилинди, унинг келгуси тараққиёти ва истиқболлари белгилаб олинди.

Шарку Фарбни боғловчи энг қулай кўприк

“Бир макон, бир йўл” ташаббуси илк бор “Ипак йўли иқтисодий камари” номи билан ХХР Раиси

Си Цзиньпин томонидан 2013 йилнинг сентябрь ойида эълон қилинган эди. Хитой раҳбари уша пайт Хитойдан Марказий Осиё, Россия орқали Европага (Болтик денгизига қадар), Марказий Осиё ва Фарбий



Осиё орқали Форс кўрφαзи ва Ўрта ер денгизига, Жануби-Шарқий Осиё, Жанубий Осиё ва Ҳинд океанига қадар йўллар барпо этиб, Европа-Осиё иқтисодий йўлагини ташкил этишни таклиф этганди.

Давоми 3-бетда

БУГУННИНГ ГАПИ

РЕЖАЛАР КАТТА, КЎМИР ЕТАРЛИМИ?

Улуғ шоиримиз Эркин Воҳидов бундай ёзган эди: “Тилимизда “Гап кўп – кўмир оз” деган мақол бор. Мен баъзи давраларда унинг шарҳини сўраб, ўртага масала ташлаб кўрдим. Ҳар ким ҳар хил шарҳ қилади. “Уруш йилларида кўмир озлигида айтилган бу”, деди биров. Яна кимдир “Тапингда тош босадиган маъно кам ёки гап кўп-у, унинг кўри йўқ”, деган маъно билан изоҳлади... Менимча, унинг асли бундоқ бўлган: “Гап кўп-ку, умр оз”. Ку юкласининг кейинги сўзга қўшилиб кетишидан умр кўмирга айланган. Аслиятни тикласак, дунёнинг дардини айтишга умр етмайди, деган фалсафий хулоса чиқади”.

Аслида ҳам шундай бўлиши мумкин. Лекин бизнинг бугунги мавзумиз бевосита қаттиқ ёқилги деб юритилмайдиган, уй-жойларимизни иситиш, электр энергияси ҳосил қилишда ишлатилмайдиган кўмир билан аҳоли ҳамда ижтимоий иншоотларни таъминлашнинг бориши ҳақида. Бинобарин, қиш яқин, бундан буён ҳаво совиб бораверади. Мавсумни хар хил оқибат ва талафотларсиз ўтказишда электр, газ қувватлари ва бошқа муқобил энергия манбалари билан бир қаторда

барқарор кўмир таъминоти ҳам салмоқли ўрин тутати. Чунки бугунги шароитда наинки олис ҳудудлардаги аҳоли, балки энг муҳим ижтимоий муассасалар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳам кундалик фаолияти мазкур ёқилги таъминотига боғлиқ. Шу боис, мутасадди идоралар зиммасига режаларни ўз вақтида бажариш, гапни эмас, кўмирни вақтида етказиб бериш, талаб даражасида таъминлаш вазифаси юклатилган.

Давоми 4-бетда

ХАЛҚАРО ФОРУМ



ЁШЛАРНИНГ ГЛОБАЛ ЧАҚИРИҚЛАРИ

ДУНЁ ХАЛҚЛАРИНИ ТИНЧЛИК ВА
ТАРАҚҚИЁТГА УНДАЙДИ

Тошкентда “Ёшлар ҳуқуқлари: имкониятлар ва химоя қилиш механизмлари” мавзусида халқаро форум бўлиб ўтди. Тадбир Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар иттифоқи ҳамда Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси билан ҳамкорликда ўтказилди.

Давоми 3-бетда

ЮКСАЛИШ ПАЛЛАСИ

ТЕХНОЛОГИК ЕЧИМ Инвестиция иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжига йўналтирилади

Бугунги давр иқтисодиётнинг реал секторидида илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, илм-фан, таълим ва саноат ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш зарурлигини кўрсатмоқда. Шу боис, миллий инновацион тизимни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, илмий тадқиқотлар учун инсон капитали, илм-фан, инновациялар ва технологиялар трансферини ривожлантириш, инновацион фаолиятни молиялаштириш тизими асосий йўналиш сифатида белгиланди.



Давлатимиз раҳбари 2022 йил 6 июль куни “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармон ҳамда ушбу ҳужжатда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, бу учун зарур ҳуқуқий, моддий базани яратишга қаратилган “2022-2026 йилларда Ўзбекистон

Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорни имзолаган эди. Мазкур ҳужжатлар ижросини таъминлаш борасидаги чора-тадбирлар соҳа ривожини яна бир поғонага кўтараяпти.

Давоми 5-бетда



ХУДУДЛАР ҲАЁТИ

МАСОФА 240 КИЛОМЕТРГА, ВАҚТ 6 СОАТГА ҚИСҚАРАДИ

Юртимизда олиб борилаётган ислохотлар натижасида олис хуудларда яшовчи аҳоли фаровонлигини оширишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Буни Эллиққалъа туманининг олис — “Чуқурқоқ” маҳалла фуқаролар йиғини хуудидида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, аҳолининг ҳаётдан рози бўлиб яшашини учун яратилаётган имкониятларда ҳам кўриш мумкин. Президентимизнинг 2022 йил 23-24 февраль кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида берган топшириғи асосида Эллиққалъа туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактаби учун янги бино ва спорт зали қуриш режалаштирилган эди. Бугунги кунда 176 ўринли янги мактаб биноси ҳамда спорт зали фойдаланишга топширилди. Лойиҳа қиймати 4 миллиард 12 миллион сўмни ташкил этди.

Муассасага хориждан замонавий жиҳозлар келтирилди. Клиникада беморлар, қолаверса, тиббиёт ходимлари учун барча шарт-шароит яратилган. Малакали шифокорлар томонидан барча йўналишларда сифатли тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

Мамлакатимиз аҳолисига тез тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 16 июндаги “Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори соҳада туб ўзгаришлар ясалishiга замин бўлмоқда.

Ушбу хужжатга мувофиқ, тиббий бригада беморнинг аҳоли ва касаллик турига қараб, хуудидан қатъи назар, унга энг яқин масофадан юборилади. Марказий шифохоналарда эса куну тун ишлайдиган шошилинч қабул бўлимлилари ташкил этилди.

Республика тез тиббий ёрдам маркази Қорақалпоғистон филиалига қарашли Амударё туман бўлимида шифокорлар, фельдшерлар, ҳайдовчиларнинг бўш вақтида дам олиши учун хоналар, бўлим мудирлари, хўжалик бекаси хоналари, энг зарур дориларни сақлаш хоналари ҳам мавжуд.

— Бўлимимиз таркибиди 1 та марказий подстанция ва 11 та шохбча мавжуд бўлиб, уларида 11 та умумтармоқ, 1 та реанимация, 3 та

фельдшерлик бригадаси фаолият юритади. Барча автомашиналарга GPS ўрнатилган, ҳаракатлини диспетчер олдидаги монитор орқали онлайн кузатиб борилади, — дейди Республика тез тиббий ёрдам маркази Амударё бўлими мудирини Константин Шабаев. — Бўлимда фаолият юритувчи ходимлар жами 302 нафарни ташкил этади. Улар туманимиз аҳолиси тез тиббий ёрдамга муҳтож бўлиб қолганда чақирувларга зудлик билан етиб боришга ва тез тиббий ёрдам кўрсатишга доимо тайёр ҳолатда туради.

Тез тиббий ёрдамга муҳтож бўлиб қолган беморларга чақириб жараёнда аниқ ташхис қўйиш учун бўлимда 13 та ЭКГ аппарати ва оғир ҳолатдаги касаллар аҳолини енгиллаштириш учун зарур бўлган анжомлар, беморларга ўз вақтида сифатли тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун 41 номдаги дори-дармон ҳам мавжуд.

Кейинги йилларда аҳоли орасида тез тиббий ёрдамга эҳтиёж кучаяётганини эътиборга олиб, яқин кунларда марказий станцияда янгидан тез тиббий ёрдам бригадаси ташкил қилиш режалаштирилмоқда. Албатта, бундай чора-тадбирлар аҳолининг соғлигини муҳофаза қилишга, зарурат туғилганда дард исканжасида қолган одамларга тежор тиббий ёрдам беришга қаратилган бўлиши аҳамиятлидир.

Маълумки, Амударё туманидаги Амударё дарёси устидан ўтадиган темир йўл ва автомобиль йўли кўприги қурилиш жараёнида қўриқиб қолган бўлиб, айни пайтда мазкур қурилишнинг яқини босқич ишлари амалга оширилляпти.

Ушбу замонавий темир-бетон конструкцияли кўприк ишга туширилиши натижасида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолиси ўртасида савдо-иқтисодий, ижтимоий

ва маданий алоқалар янада ривожланиши қўрилмоқда.

Уттан давр мобайнида амалга оширилган катта ҳажмдаги қурилиш ишлари давомида хуудда темир йўл излари ётқизиладиган йўлда тупроқ кўтариш ишлари техник талаблар асосида бажарилди. Керакли жойларга автомобиллар ўтиши учун кулайликлар яратилиб, туннеллар ҳам қурилди. Қурилиш-бунёдкорлик ишлари давомида туман хуудидида 2 та темир йўл станцияси барпо этилиб, вокзал бинолари қад ростлади.

Дарёбўйи маҳалласи хуудидида Амударё устида олиб борилаётган қурилиш ишлари “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг буюртмасига қўра “Боштрансройх” АЖ томонидан лойиҳалаштирилган. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг “Кўприк қурилиш трести” унитар корхонаси ишчилари томонидан қурилаётган янги кўприкнинг узунлиги 412,7 метр, баландлиги 11,5 метр, кенглиги 8,5 метр.

— Ушбу кўприк қурилишига бизнинг отряд томонидан 70 киши жалб қилинган бўлиб, Амударё дарёсининг чап томони, яъни Манғит шаҳри қисмидаги қурилиш ишларини бажармоқдамиз, — дейди 13-кўприк қурилиш отряди иш юритувчиси Азамат Раҳимов.

Шунингдек, 79 километр узунликдаги “Шовот — Гурлан — Жумуртов — Қораўзак” темир йўл линиясини қуриш ишлари ҳам жадал давом этирилмоқда. Ҳозирги пайтда туман хуудидан ўтувчи мазкур темир йўл линиясида шағал тош ва пўлат изларни ётқизиш, электрлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Янги темир йўл линияси ишга туширилганидан сўнг

масофасини 240 километрга, вақтини эса 6 соатга қисқартиришга эришиш кўзда тутилган.

Аҳоли 1982 йилдан буён фойдаланиб келаётган Амударё устидаги понтон кўприк аини пайтда анча эскириб қолган. Юк кўтариш қобилияти 10 тонна бўлиб, кўприқдан йилга 600 минг тоннага яқин юк олиб ўтилади. Шунингдек, 3 миллиондан зиёд аҳоли, 1 миллионга яқин автотранспорт воситалари ҳам мазкур кўприқдан фойдаланади.

Янги ва замонавий кўприк ишга туширилса, юк ташиш ҳажми кўпайиб, йилга 25 миллион тоннани ташкил этади. Минтакаларнинг ривож натижасида иқтисодий самарадорлик йилга 100 миллиард сўмга ошади. Бундан ташқари, Қорақалпоғистондан Хоразмга қурилиш материаллари ва бошқа турдаги маҳсулотларни етказиб бериш харажати камаяди. Бу эса янги ижтимоий объектлар ва инфраструктураларни қуришга сарфланган маблағлар тежаланиши таъминлайди.

Замонавий технологиялар воситасидаги янги турдаги қурилиш конструкцияси асосида барпо этилаётган ушбу кўприк узоқ йиллар мобайнида эзгу мақсадлар йўлида халқимизга хизмат қилади. Мазкур кўприкнинг ишга туширилиши натижасида хуудлар фаровонлашиб, аҳолининг турмуш даражаси янада яхшиланади. Темир йўл орқали юртимизнинг бошқа хуудлар билан боғланиши туфайли эса нафақат Амударёда, балки бутун Қорақалпоғистонда ижтимоий-иқтисодий тараққиётга кенг йўл очилади.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ОБОД МАНЗИЛЛАР



Ассосий муаммо — ичимлик сув етишмаслиги

“ОЛҒА” ЛИКЛАР ФАРОВОНЛИККА ИНТИЛИБ, ИЛДАМ ҚАДАМ ТАШЛАМОҚДА

“Афко” фирмасининг томчилатиб сўғриш технологиясини ўрнатди.

— Қачонгача қўлимизни қовуштириб, берсанг ейман, бермасанг ўламан, деб ўтираверамиз? Ахир кимдир, қачондир бу ерда ҳам шундай сўғоришни бошлаши керак-ку, — дейди у. — Бу ишни биринчи бўлиб мен бошладим. Умид қиламанки, келажакда Нурободда томчилатиб сўғриш тизимини жорий этадиган фермерлар кўпаяди. Келгуси йили 500 гектар майдонда ана шундай технология ўрнатмоқчиман.

Нурободда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

— 2023 йилнинг сентябрь ойи ҳолатига қўра, рўйхатга олинган кичик бизнес субъектлари сони 1882 та бўлиб, ҳозир 1468 таси фаолият кўрсатаяпти. Шунингдек, 2023 йилнинг январь-март ойларида 106 та янги кичик бизнес субъекти ташкил этилди, — дейди туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Сирожиддин Хўжамёров. — Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган кичик бизнес субъектларининг 597 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига, 465 таси савдога, 224 таси саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, 76 таси қурилишга, 93 таси уй-жой ва умумий оқоватлаш хизматларига ихтисослаштирилган.

Нурободлик фермерлар йирик ва майда шохли қорамолдан ташқари от ва туя кўпайтирилмоқда. Масалан, “Ҳамфикр” фермер хўжалигида айни пайтда 1600 бош майда шохли қорамол, 100 бош қорабайир от, 11 бош туя бор.

— Бир йил аввал бу туяларни қўшни Навоий вилоятидан олиб келгандим, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Баҳодир Бердиев. — Улар дарров даромад келтиришни бошлади. Чунки туя сутти кўплаб шифобахш хусусиятларга эга ва унга доимо талаб катта. Бундан ташқари, туя сувсизликка чидамли. Бу чўл шароитида жуда муҳим. Отларим эса кўпқариларда совин оляпти.

Хўжалигининг 343 гектар яйлови, 500 гектар лалми ери бўлиб, унда бошқоғли дон етиштирилади. Келгуси йилда фермер хўжалиги раҳбари туялар сонини уч баробар ошириш ниятида.

Тумандаги “Қушқудуқ Нуробод чорва-си” масъулияти чекланган жамиятида 1840 бош насли кўй боқилляпти. Қўйлар Франция тараққиёт агентлигининг Ўзбекистонда чорвачиликни ривожлантириш лойиҳаси доирасида Қирғизистондан олиб келинган.

Тумандаги “Ошаётган экспорт салоҳияти”

Аҳолининг ассосий қисми деҳқончилик ва чорвачилик билан банд бўлишига қарамай, сўнгги йилларда хууднинг саноат салоҳияти ҳам жадал ривожланмоқда.

Туманда фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари томонидан 2023 йилнинг январь-март ойларида 62,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 66,1 фоиз ўсди. Бундан ташқари, 13,7 миллиард

сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш 2022 йилнинг шу даврига нисбатан 72,8 фоизни ташкил этди.

Тадбиркорлар учун яратилган имтиёзлар туфайли бугунги кунда туманда экспорт қилувчи корхоналар сони 11 тани ташкил этса, уларнинг етти таси дунёнинг олти давлатига 14 турдаги маҳсулот сотаяпти.

Туман салоҳиятидан келиб чиқиб, 2023 йил охиригача экспорт кўрсаткичларини 16 миллион долларга, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажминини 13,8 миллион долларга етказиш кўзда тутилган.

Хорижий сарможа жалб этилиб, янги лойиҳалар амалга оширилмоқда, қишлоқ аҳли учун янги иш ўринлари яратилмоқда. Утган йили 1786 киши иш билан таъминланган бўлса, 2023 йилнинг ўтган даврида 1800 та янги иш ўрни яратилди.

“Заковат”: фахрли иккинчи ўрин

Жорий йилда арзон уй-жойлар қуриш дастури доирасида туманда умумий қиймати 3,1 миллиард сўмлик лойиҳа амалга оширилиб, 16-умумтаълим мактаби спорт зали ҳамда 17, 39 ва 55-ихтисослаштирилган мактаблар филиаллари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Манзилли дастур асосида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 8, 17, 25, 43, 45 ва 63-умумтаълим мактаблари учун қўшимча бинолар қурилди.

Энг яхши сарможа таълимга, келажакда киритилган сармоядир. Тўғри, у дарҳол натижа бермайди. Лекин бу сарможа эвазига Ватанимизнинг эртанги тақдирини, келажакни белгилаб берадиган янги авлод шаклланади. Бунинг учун Нурободдаги шарт-шароитлар ҳам ёмон эмас.

Одамларда уйғонган ишонч

Туман маркази — Нуробод шаҳридан 20 километр узоқликда жойлашган шаҳар типидидаги Нуробулоқ аҳоли пунктини нафақат вилоят, балки республикамизда ҳам яхши билишсади. Бу масканда 200 метр ер қарьидан чиқувчи шифобахш иссиқ сув билан беморларни даволайдиган йигирмага яқин санаторий бор.

Утган йили бориш қийин бўлган тоғли “Омондара” фуқаролар йиғинида жами 25 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. 1600 та темир-бетон устун, 5 та трансформатор ўрнатилди, 1 та сув иншооти қурилди, 1 та пиёдалар кўприги барпо этилди.

Файротабиий иқлим шароитига қарамай, нурободликларнинг кайфияти

“Кимдир бошлаши керак-ку...”

Шундай шароитда ҳам қаловини топиб, сувсиз чўлда деҳқончилик қилаётганлар бор. “Олға элининг маскани зиё” фермер хўжалиги аъзолари бугунги куннинг ана шундай қаҳрамонлари. Ёзда иссиқ, қишда эса изгирин бўлишига қарамай, одамлар далада меҳнат қилляпти. Жорий йилда кредит ҳисобидан фермер хўжалиги раҳбари Заҳриддин Қаршиев 50 гектар лалми ерда Туркиянинг



Ёрмат РУСТАМОВ, журналист

МУНОСАБАТ

“БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ”



Буюк ипак йўлини қайта тиклашга қаратилган улўввор ғоя



Одил ОЛИМЖОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази бош илмий ходими

Бўлган Ипак йўли жамғармаси ташкил этилди. Бу йилги учинчи форумда эса ХХР Раиси Си Цзиньпин Ипак йўли жамғармасининг капитали яна 10,9 миллиард долларга кўпайтирилишини эълон қилди.

Ўзбек-хитой ҳамкорлиги тарихи

Ўзбекистон — ХХР ҳамкорлиги жуда узоқ асрлар олдин бошланган. Икки давлат ўртасида алоқаларни ўрнатишга бўлган урнишлардан бири 2200 йиллар олдин юз берган.

Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти профессори, Евроосиё тарихи бўйича йирик мутахассис Людмила Боровкованинг “Эраимиздан аввалги II–I асрларда “Ғарбий ўлка” давлатлари” номи монографиясида эраимиздан аввалги II–I асрларда хозирги Хитойнинг бир қисми ҳудудида Илк Хань салтанати номи билан ҳукм сурган давлатнинг Парғана давлати билан муносабат ўрнатишга бўлган ана шундай ҳаракатлари баён этилган.

Эраимиздан аввалги 140–87 йилларда мазкур салтанатда 53 йил ҳукмдорлик қилган Хитой императори У-ди (баъзи манбаларда Ву Ди) Чжан Цзянь номи қимсаи юртимизга элчи қилиб юборди. Чжан Цзянь эраимиздан аввалги 139 йили Илк Хань давлатидан йўлга чиқди ва турли қийинчиликлар туғайли 10 йилда, яъни 129 йили Парғанага етиб келди.

Элчи Парғана ривожланган ва кудратли давлат эканини кўрган ва бу ҳақда эсдаликларидега ёзган. Бугунги Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистоннинг Фарғона водийси қисмида жойлашган Парғана давлатида атрофи икки қатор ҳимоя деворлари билан ўраб олинган 70 та катта-кичик шаҳарлар мавжуд бўлган.

Парғана давлати пойтахти Эрши шаҳри бўлиб, унинг харобалари бугунги Марҳамат тумани яқинида хозиргача кўзга ташланиб туради. Бу давлатнинг бойлигини, айниқса, унда ажойиб ва чопқир отлар кўп эканини эшитган император

У-ди Парғанани босиб олиш мақсадида эраимиздан аввалги 104 йили ва 102 йилларда унга икки марта босқин уюштирди.

Лекин Парғана халқи ўз юртини қаттиқ ҳимоя қилади ва душман қўшинини икки марта ҳам тор-мор этади. Узидан кўп сонли душманларга бас келиб, уларни енгилдида Парғана халқининг жанговар ва юртсевар одамлари асосий роль ўйнаган. Қолаверса, уша даврда ота-бобларимиз шаҳарларни мустаҳкам ҳимоя кўрғонлари билан ўраб олгани ҳам муҳим бўлган.

2200 йиллар олдин юз берган мазкур урушнинг битта ўта муҳим ижобий жиҳати ҳам бўлган. Яъни ана шундан кейин Парғана ва Илк Хань давлатлари халқлари бир-бирининг борлигини билган, улар ўртасида иқтисодий муносабатлар ўрнатилиб, икки юрт ўртасида савдо қарвонлари қатнай бошлади. Бу йўл кейинчалик Буюк ипак йўлининг муҳим бўлагига айланди.

Алоқалар шиддат билан ривожланмоқда

“Бир макон, бир йўл” ташаббуси Ўзбекистон учун ҳам ҳар тарафлама манфаатли ҳисобланади. Шу боис, мамлакатимизга Хитой инвестицияларининг умумий ҳажми 5 баробарга ошди ва 11 миллиард долларни ташкил этди. Биргина 2022 йилнинг ўзига 2,2 миллиард доллар Хитой инвестицияси ўзлаштирилди, Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқларида Хитой капитали иштирокидаги 1860 корхона фаолият кўрсатмоқда, бу 6 йил аввалгидан 2,3 баробар кўпдир.

Жумладан, сўнгги йилларда давлатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестицион алоқалар барқарор суръатлар билан ривожланмоқда. 2017–2022 йилларда Хитой билан товар айирбошлаш ҳажми 4,7 миллиард доллардан 8,9 миллиард долларга етди ёки 1,9 баробарга ошди. 2023 йил бу кўрсаткич 10 миллиард долларга етиши кутилмоқда. 2022 йилда Хитойнинг Ўзбекистон ташқи савдосидаги улуши 17,9 фоиз бўлса, 2023 йилнинг биринчи ярим йиллигида бу кўрсаткич 18,1 фоизга етди ва Ўзбекистоннинг савдо ҳамкорлари орасида Хитой биринчи ўринга чиқди.

Ўзбекистон Хитойга минерал ёқилги, нефть маҳсулотлари, ип-калавая, ипак, мева, сабзавот, мис ва мис маҳсулот-



лари, пластмасса экспорт қилади. Хитойдан, асосан, машина ва жиҳозлар, электромобиллар, жумладан, шундай рўсуддаги автобуслар, пластмасса, каучук, темир, металл ва металл маҳсулотлари импорт қилинади.

Хитой Ўзбекистоннинг энг муҳим инвестициявий ҳамкорларидан бири ҳисобланади. 2017–2022 йилларда мамлакатимизга Хитой инвестицияларининг умумий ҳажми 5 баробарга ошди ва 11 миллиард долларни ташкил этди. Биргина 2022 йилнинг ўзига 2,2 миллиард доллар Хитой инвестицияси ўзлаштирилди, Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқларида Хитой капитали иштирокидаги 1860 корхона фаолият кўрсатмоқда, бу 6 йил аввалгидан 2,3 баробар кўпдир.

Муносабатларни янада кенгайтириш истиқболлари

Давлатимиз раҳбарининг Пекинга ташрифи мобайнида халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболлари юзасидан қатор учрашувлар ўтказилди. Жумладан, Президент Шавкат Мирзиёев ХХР Раиси Си Цзиньпин ва Халқ сиёсий маслаҳат кенгаши Бутунхитой қўмитаси Раиси Ван Хунин билан музокараларида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Маълумки, Ўзбекистон — Хитой ўртасида стратегик шериклики янги даврда ривожлантириш бўйича беш йиллик дастур амалга оширилмоқда. Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Товар айирбошлашини яқин беш йилда хозирги 10 миллиарддан 20 миллиард долларга етказиш учун барча асослар борлиги ҳақида яқдил фикр билдирилди. Хитой компаниялари ва молиявий институтлари иштирокида юксак технологиялар, мўқобил энергетика, кимё, машинасозлик, метал-

лургия, электротехника тармоқларида, инфратузилмани модернизация қилиш ва бошқа йўналишларда бир қатор ийрик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Хитойнинг камбағалликка қарши курашиш тажрибасини ўрганиш ва жорий этиш борасида самарали тажриба алмашиш ва амалий ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Президенти Тошкентда Хитойнинг етакчи Цинхуа университети ва Пекин университети филиалларини очишни тақлиф қилди. Учрашувада илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни қабул қилишга келишиб олинди.

Ташаббуслар қизғин кўллаб-қувватланди

18 октябрь куни давлатимиз раҳбари “Бир макон, бир йўл” халқаро форумининг “Ишон ва табиат уйғунлиги йўлида “Яшил ипак йўлини” биргаликда барпо этиш” мавзусидаги ялпи йиғилишида сўзлаган нутқида қатор ташаббусларни илгари суриди.

Жумладан, минтақамиздаги аномал об-ҳаво шароитлари, тез-тез юз берётган қуроқчилик ва чанг буронлари, ерларнинг шиддат билан деградацияга учраши ва чўлланлиги, биохилма-хилликнинг йўқолиши кўринишида намоён бўлаётган мураккаб экологик вазият Марказий Осиёни жаҳондаги иқлим ўзгариши оқибатларидан энг кўп зарар кўраётган минтақалардан бирига айлантиргани тазкивланди.

Шу боис, Ўзбекистон етакчиси Марказий Осиёда “яшил” тараққиёт соҳасидаги мақсадларга эришиш йўлида фикр алмашиш ва саъй-ҳаракатларни бирлаштириш учун 2024 йилда Самарқанд халқаро иқлим форумини ўтказиш ташаббуси билан чиқди.

“Умид қиламизки, ушбу форум барқарор ривожланиш йўлидаги глобал хавф-хатарларга жаваб топиш учун “Келажак учун — Самарқанд

мулоқоти”ни ташкил этишда амалий қадам бўлиб хизмат қилади”, деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Иқтисодиёт тармоқларини “яшил” тараққиёт талаблари асосида трансформация қилиш ва рақамлаштириш, транспорт, энергетика тармоқларида барқарор инфратузилмани яратиш, “яшил” сановат қувватларини ишга тушириш, камбағалликни қисқартириш ҳамда “ақлли” қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш чоралари ва лойиҳаларини ўз ичига олган “Яшил” тараққиёт дастурини ишлаб чиқиш тақлиф этилди.

Бундан ташқари, Президентимиз табиий ресурслар ва атроф-муҳитга нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш масаласига тўхтади.

“Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида таниқли жамоат арбоблари, фан, бизнес ва маданият намояндалари иштирокида этно-экологик фестиваллар, форумлар, тақдиротлар ва бошқа тадбирлар ўтказишни назарда тутувчи “яшил” маданиятни ривожлантириш бўйича Глобал дастурни ишга тушириш тақлиф қилинди.

Муҳтасар айтганда, жаҳон иқтисодиёти учун “Бир макон, бир йўл” концепциясининг аҳамияти жуда катта. Ер шарининг бир-биридан узоқ минтақаларига маҳсулотларни етказишнинг қисқа ва арзон йўллари барпо этиш, давлатлар экспорт салоҳиятларини ошириш, мегаойиҳаларни амалга ошириш жараёнида миллионлаб янги иш ўринлари яратиш, давлатлараро иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқалар кўламлигини кескин кўпайтириш орқали уша кенг қамровли минтақаларда мазкур лойиҳа жаҳон давлатларининг жуда кўпчилиги



учун улкан иқтисодий самара беради, уларнинг иқтисодий тараққиётини янги босқичга олиб чиқади.

Хуллас, мазкур ташаббус айни пайтда XXI асрнинг энг йирик лойиҳасига айланди ва у жаҳон иқтисодиёти архитектурасини ўзгартирмоқда. Умумий қиймати 21 триллион долларга баҳоланган концепцияни амалга ошириш учун ҳамкор давлатларда яна минглаб лойиҳалар ишга туширилади ва миллионлаб янги иш ўрни яратилади. Учинчи форумда “Бир макон, бир йўл” ташаббусига қўшилган давлатлар ўртасида яна қўшимча равишда 97 миллиард доллардан зиёд ҳамкорлик битимлари имзоланди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, “Буюк ипак йўлини қайта тиклашга қаратилган улўввор ғоя тарихан қисқа даврда кўллаб тарафдорларига эга бўлди ва халқаро ҳамкорликнинг янги моделига айланди. Жаҳондаги етакчи давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч инқироз туғайли вуужуда келган ҳозирги геосийсий беқарорлик шароитида ушбу дастурнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда!”

Бошланиши 1-бетда

Ўтган давр мобайнида ташаббус доирасида мазкур давлатларда 3 мингдан ортқ лойиҳа амалга оширилди. Ана шу лойиҳалардан бири Куваосийнинг Пакана қишлоғида иш бошлади. “Art soft ceramics” номи мазкур корхона ўзимизнинг тадбиркорлар ҳамда хитойлик муҳандислар ҳамкорлигида ишга туширилди. Яъни Хитойдан дунё керамоплита сановатидаги энг сўнгги рўсуддаги босимли қопиллаш ускунаси, пишириш қозонхонаси, принтерлар келтирилди ва қисқа муддатда янги корхона барпо этилди.

Корхонада Куваосий атрофи қишлоқларидаги ишчи ёшлар ва мигрантлардан қайтган йигитлардан 300 нафарни меҳнат қилмоқда. Юқори сифатли керамоплита наинки импорт ўрнини босмоқда, балки Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон каби қатор давлатларга экспорт ҳам қилинмоқда.

“Бир макон, бир йўл” ташаббуси лойиҳаларининг жами маблаг 1 триллион долларга етди. БМБИ иштирокчилари бўлган давлатларда 135 дан ортқ савдо-иқтисодий ҳамкорлик зоналари барпо этилди, уларда 40 миллионга яқин аҳоли камбағалликдан чиқарилди.

Концепцияни амалга ошириш учун зарур инвестицияларни экспортлар таҳминан 21 триллион долларга баҳоломоқда. Шу боис, лойиҳани молиялаштириш мақсадида 2014 йилда Хитойда 100 миллиард доллар капиталга эга бўлган Осиё инфратузилма инвестициялари банки ва устав капитали 40 миллиард доллар



ХАЛҚАРО ФОРУМ

ЁШЛАРНИНГ ГЛОБАЛ ЧАҚИРИҚЛАРИ ДУНЁ ХАЛҚЛАРИНИ ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТГА УНДАЙДИ

Бошланиши 1-бетда

Ушбу тадбир дунё ҳамжамияти томонидан БМТ куни деб эълон қилинган тарихий сана — 24 октябрь арафасида ўтганида ҳам ўзига хос раъвий маъно бор. Шунингдек, мазкур форум Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 майдаги фармони билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 75 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури доирасида ўтказилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов кириш сўзида қайд этганидек, ёшлар форуми ана шундай муҳим халқаро саналар, шунингдек, Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясида БМТ хузурида Марказий Осиё ёшларини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусини амалга ошириш доирасида ўтказилгани билан аҳамиятли.

Форумда, шунингдек, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакили в.б. Жофри Ижумба, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти амалдаги раисининг Ёшлар масалалари бўйича махсус вакили Мемет Жаку ҳамда Ислон ҳамкорлик ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси вакили Муҳаммад Лавал Сулаймон ва бошқалар сўзга чиқди.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Фолькер Тюрк ва Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори Маттео Меккачи эса форум қатнашчиларини видеомурожаат орқали табриклади.

Тадбирда сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, бугун дунё аҳолисининг 16 фоизини 15–24 ёшдаги навқирон авлод ташкил этади. Ёшлар янгилашилари ҳаракатга келтирувчи куч. Уз салоҳиятини юзага чиқариш ва келажак авлодлар ҳақида учун муносиб дунёни бунёд этиш уларнинг зиммасидаги муҳим вазифадир. Бунинг учун уларга зарур шароит яратиш, интилиш ва ташаб-

бусларини кўллаб-қувватлаш лозим. БМТ томонидан қабул қилинган 2030 йилгача кун тартибидега ана шу йўналишда устувор вазифалар белгиланган. Хусусан, Барқарор ривожланиш бўйича барча 17 мақсад ва уларга эришишга доир 169 вазифанинг ҳар бирида ёшлар манфаати акс этган.

Бундан ташқари, ёшлар эҳтиёжини рўёбга чиқариш, улар салоҳиятини ривожлантириш ва ҳуқуқларини кенгайтириш мақсадида БМТ томонидан 2030 йилгача “Ёшларни жамият ҳаётига жалб қилиш орқали демократияни мустаҳкамлаш” ёшлар стратегияси қабул қилинди. Ўзбекистон ушбу стратегияни жадал суръатларда амалга ошираётган дунёнинг ўн та давлати қаторига кириши кўвонарлидир.

Бугунги кунда юртимиз ёшлари жамиятдаги ўзгаришларнинг фаол иштирокчиси ва модернизациянинг муҳим ресурси, иқтисодий ўсиш ва авлодлар фаровонлигини таъминлашнинг қимматли инсоний қўввати, мамлакат барқарор ривожланишини ҳаракатга келтирувчи асосий катлам ҳисобланади. Шу боис, мамлакатимизда ёшларнинг етук ва барқамол бўлиб вояга етиши, замонавий мезонлар асосида таълим ва жамиятга фаол интеграциялашувига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, янги таҳрирдаги Конституциямизда ёшларнинг ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, уларнинг ривожланиши ҳамда ўз мақсадларига эришиши учун тенг имкониятлар яратилиши белгиланди. Бундан ташқари, Асосий қонуннинг алоҳида моддасида иқтидорли ёшларнинг давлат ҳўсбидан олий таълим олиш ҳуқуқи қароланди.

Ҳар қандай жамиятнинг барқарор ривожланишида ёшларнинг ўрни муҳим. Ана шу жиҳатлар эътиборга олиниб, Ўзбекистон ёшлар масаласида халқаро майдонда ҳам муҳим ташаббусларни илгари сурмоқда. Шунингдек, ёшлар сиёсати соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан 2023 йил

15 сентябрда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ёшларни жамиятнинг маданият, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётига янада кенг жалб этиш учун шарт-шароитларни таъминлашга қаратилган “Ёшларга оид сиёсатнинг умумий йўналишлари тўғрисида битими”ни имзоледи. Ушбу минтақавий ҳужжатни қабул қилишдан мақсад ёшлар сиёсати соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлашдир.

Форумда сўзга чиққанлар ушбу халқаро анжуман ёшлар сиёсати, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш механизми бўйича зарурий билимларга эга бўлиш, ўзаро тажриба алмашиш, долзарб ғоя ва лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун қулай ахборот-маърифат ва амалий муҳокама-мунозара майдони бўлганини айтиб ўтди. Бунда халқаро анжуман давомида сиёсатчилар ва жамоат арбоблари, илмий-академик доиралар намояндалари, тадбиркорлар, Ўзбекистон ва дунё ёшлари вакиллари ўртасида бўлиб ўтадиган жонли мулоқотлар муҳим аҳамият касб этгани қайд қилинди.

Форумнинг ялпи мажлисларида ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро, минтақавий ва миллий восталари, механизмлари, халқаро микёсда ёшлар ҳуқуқларини илгари суриш истиқболлари муҳокама қилинди.

Тадбир якунида ёшлар ҳуқуқлари бўйича Марказий Осиё декларацияси ишлаб чиқилди ва муҳокама қилинди.

Биз эса, ўз навбатида, форумда иштирок этган ёшларнинг таассуротлари билан қизиқдик.

Азамат АБДУРАҲИМОВ, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини талабаси:

— Тадбир жуда қизиқarli ва мазмунли ўтди. Унда дунёнинг турли мамлакатлари, хусусан, Марказий Осиё давлатларида

ёшларнинг ҳуқуқини ҳимоялаш, тенгдошларимизнинг жамият ҳаётидаги иштирокига оид янгиликлар билан танишдик. Мамлакатимизда бу йўналишда юртилаётган давлат сиёсати, Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Табиийки, тенгдошларимиз юртимизда бу йўналишда амалга оширилаётган ислохотларга катта қизиқиш билдирди ва ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш хусусида фикрлашди.

Мамлакатимизда ўтган ушбу нуфузли тадбир ва унда келишилган вазифаларни рўёбга чиқариш, биз, ёшларнинг зиммамизга ҳам улкан масъулият юклайди. Бу жаҳада ишларга, аввало, ўқиш, илм-фан соҳасидаги ютуқларимиз, қолаверса,



Фарзона ҚАЙУМОВА, Тошкент давлат юридик университети талабаси:

— Форум доирасида ёшлар ҳуқуқларини муҳофазалаш, уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш борасидаги устувор вазифалар қизғин муҳокамада бўлгани бежиз эмас. Эеро, ёшлар ҳар бир давлатнинг нуфузли минбарларидаги чиқшиларида, албатта, ёшлар масаласи билан боғлиқ янги ғоя ва ташаббусларни илгари суради. Уларда кўзда тутилган вазифаларни рўёбга чиқаришга устувор аҳамият берилди.

Ушбу нуфузли форум ана шундай саъй-ҳаракатлар махсулидир. Унда иштирок этиб, ёшлар сиёсати бўйича янги билим ва тажрибалар ортирдик. Бу келгусида нафақат миллий, балки халқаро лойиҳаларда ҳам ёшлар ҳуқуқини ҳимоялаш бўйича фаол ва ташаббускор бўлишимизга замин яратади.

Баҳор ХИДИРОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири





ЮКСАЛИШ ПАЛЛАСИ

INNO week

ТЕХНОЛОГИК ЕЧИМ

Инвестиция иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжига йўналтирилади



Шахто ТУРДИКУЛОВА, олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ўринбосари, профессор

Бошланиши 1-бета

Илмий изланиш ва тадқиқотларни молиялаштириш долзарб масала. Бойси, илм-фан жаҳмиётнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун катта имкониятлар очадиган куч саналади. Уни рағбатлантириш иқтисодий ривожлантириш, рақобатбардошлигини оширишга хизмат қиладиган илгор инновацияларни юзага келтиради.

Инновацион ривожланиш стратегиясида 2023 йил охиригача илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига харажатларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 0,17 фоизгача ошириш режалаштирилган. 2023 йилга доир сўнгги маълумотларга кўра, бу кўрсаткич ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,16 фоизни ташкил этди. Бунинг натижасида инновацион тадбиркорлик ривожланиб, яратилган янги иш ўринлари кўпайди. Бунга эришишда иқтисодийнинг турли тармоқларида инновациялар кўлами ва самардорлиги ортгани муҳим омил бўлди.

Изланувчилар ўз ғояси лойиҳасини содда турзда тақдим қилиши мумкин

Кичик тадбиркорликнинг инновацион фаоллигини ошириб, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий жадал ўсишига эришиш мумкин. Шу боис, инновацион технологиялар яратилишидан ғоядан якуний истеъмолчигача бўлган комплекс тизимини таъминлаш орқали инновацияларга талабни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун истаган изланувчи ўз ғояси лойиҳасини содда турзда тақдим қилиши, янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар яратиши мумкин. Бу борадаги имкониятлар сўнгги йилларда юртимиз ва жаҳон бозорларида "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгиси остидаги маҳсулотлар тури кўпайишига хизмат қилмоқда.



Ўтган 2,5 йилда давлат дастурлари доирасида амалга оширилган тижоратлаштириш лойиҳаларининг умумий қиймати 375,9 миллиард сўм, хусусан, 2023 йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич 189,6 миллиард сўмни ташкил этган. Тадбиркорлик фондлари ҳисобидан тижоратлаштириш лойиҳаларини молиялаштириш сезиларли даражада ошди. Тижоратлаштириш лойиҳаларига тадбиркорлик маблағлари ҳисобидан йўналтирилган инвестициялар улуши 62 фоизни, давлат грантлари ҳисобидан ажратилган маблағлар эса 38 фоизни ташкил этди.

Бугунги кун учун илм-фани ривожлантириш давлат аҳамиятига молик энг муҳим стратегик вазифа саналади. 2023 йил сентябрь ҳолатига кўра, 92 та лойиҳа доирасида 198 та янги маҳсулот ва хизмат турлари, 812 та иш ўрни яратилди. Хусусан, ўзбекистонлик олимларнинг ишланмалари асосида юқори технологияларга асосланган биоактив қопламага эга дентал тиз имплантларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мазкур маҳсулот конструкция жиҳатдан ҳорижий аналогларидан қўшимчадиган ва маҳаллий хомашёлардан тайёрланган биофаол қўбик билан қопланган.

Яна бир гап, маҳаллий микробиолог олимлар билан ҳамкорликда экологик тоза, ресурстежамкор ва иқтисодий самарали комплекс таъсир этувчи "Терия" серияли бактериал ўғитларни суяқ

Бу самарадор тизим иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиқиб, давлат буюртмаси шакллантирилиши аниқлаштирилди. Буюртмачи томонидан муайян мавзулар эълон қилинади. Масалан, қишлоқ ҳўжалигида зараркундаларга қарши курашиш, ўсимликлар касалланишининг олдини олишга қаратилган биологик усулларни яратишни оилайлик. Бу борада кимёвий усуллардан фойдаланиш қўтилган натижани



бермайди. Ҳар бир ҳудуднинг ўз микрофлораси, шу билан бирга, касаллик ва зараркундалари бор. Англашилмадики, чет элда ишлаб чиқарилган препаратларни қўлай олмаймиз.

Янги лойиҳа яратмоқчи бўлганлар олдида мана шу масалалар кўндаланг қўйилади. Буюртма шакллантирилиб, унда қўйлаётган аниқ натижалар, лойиҳа суммаси ёзилади ва танлов эълон қилинади. Тахлилларга кўра, танловларда битта мавзу бўйича 5-6 тагача лойиҳа иштирок этади. Бу рақобат бор, энг яхши самара берадиган лойиҳани танлаш имкони юқори, дегани.

Хусусий сектор томонидан ишлаб чиқариш ва илмий тадқиқот ишларига йўналтирилган инвестициялар ҳажми режалаштирилган кўрсаткичларга нисбатан икки баробардан кўпроқ ошди. Вазирлик томонидан молиялаштирилган илмий лойиҳаларда хусусий секторнинг улуши 7 миллиард 35 миллион сўмни ташкил этди.

Илм-фани ривожлантириш давлат аҳамиятига молик энг муҳим стратегик вазифа саналади. Инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишда "тармоқ — ҳудуд — илмий/олий таълим ташкилот" занжирининг яхлит тизимини жорий этишнинг аҳамияти катта. 2023 йилнинг 9 ойи мобайнида Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан умумий қиймати 71,95 миллиард сўмлик 67 та лойиҳа молиялаштирилди ҳамда 31,50 миллиард сўмлик хусусий сектор маблағи (cost sharing) жалб қилинди. Лойиҳалар доирасида 63 турдаги янги маҳсулот яратилди.

Илдан-илга танловларда иштирок этиш истигани билдирган, муаммоларга ечим сифатида янги лойиҳалар ишлаб чиқарилганлар сони ортиб бормоқда. Бу қувонарли ҳол. Жорий йил 17-20 октябрь кунлари "InnoWeek.uz-2023" инновацион ғоялар ҳафталиги доирасида "Кузги тижоратлаштириш форуми" ўтказилди. Форум доирасида янги тижоратлаштирилган ишланмалар ва инновацион маҳсулотлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Натижада 32,6 миллиард сўмлик 50 та маҳаллий корхона ва ташкилотлар билан тижоратлаштириш лойиҳаларининг сотув шартномалари ҳамда 4,1 миллион долларлик 7 та экспорт шартномаси имзоланди.

Юқори технологияли маҳсулотларнинг экспортдаги улуши ошди

Илмий ҳажмдор ва инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги инновацион (спин-офф) корхоналар сонини ошириш катта самара беради. Бундай ёндашувнинг афзаллиги шундаки, ҳудудий тармоқ ташкилотла-

ри инновацияларга бўлган эҳтиёжлар портфелини ишлаб чиқиб, инновацион ривожланиш агентлигига тақдим этади. Ўз навбатида, тармоқ муаммоларининг илмий ечимини таъминлаш бўйича ижрочи илмий/олий таълим ташкилоти, яъни инновацион "спин-офф" компанияни танлов асосида аниқлайди ва "1+1" принципи асосида тармоқ ташкилотлари билан бирга ишлаб чиқилган лойиҳаларни молиялаштиради. Маҳсулот бозорда муваффақиятли ўзлаштирилса, саноатда сериялаб ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида инвестиция портфели ишлаб чиқилади. Босқичма-босқич амалга ошириладиган жараёнда ғоя катта фойда келтирадиган маҳсулотга айланади.

Бугун 17 та "спин-офф" корхонаси иш бошлаган ва улар томонидан 92 турда-

ИЛМ-ФАН

ҲАЁТНИ ҚУЛАЙЛАШТИРАДИ, ҲОСИЛНИ ОШИРАДИ

ЯНГИ ИШЛАНМАЛАРНИНГ РАНГ-БАРАНГ, ҚИЗИҚАРЛИ ВА ФЙДАЛИ ОЛАМИ

Ўзбекистон Фанлар академияси Физика-техника ва Материалшунослик институтлари ҳамкорлигида ташкил этилган халқаро конференцияда замонавий физиканинг долзарб фундаментал ва амалий масалаларига оид кенг кўламли муаммолар таҳлиliga эътибор қаратилди.



Одилхўжа ПАРПИЕВ, Материалшунослик институтли директори, физика-математика фанлари номзоди

Фанлар академияси 80 йиллиги, шунингдек, Материалшунослик институтининг 30 йиллик юбилейига бағишланган "Замонавий физиканинг фундаментал ва амалий муаммолари" мавзусидаги анжуман бир неча йўналишни қамраб олди. Ядро ва элементар заррачалар физикаси, яришма-қатқилар ва қаттиқ жисмлар физикаси, қайта тикланувчи энергия манбалари, материалшунослик ва уларнинг қўлланиши мавзуси 200 нафардан ортиқ халқаро ва маҳаллий олим эътибори марказида бўлди.

Иштирокчилар Материалшунослик институтининг "Катта Қуёш қурилмаси" ноёб илмий объектига бориб, унинг технология имкониятлари, ўзбекистонлик материалшунослик олимларининг ишланма, технология ва ишлаб чиққан материаллари билан яқиндан танишиди. Айниқса, қуёш энергиясидан фойдаланиш ва унинг ёрдамида яратилаётган юқори технологияли янги материаллар катта қизиқиш уйғотди. Жумладан, пўлатдан 5 баробар мустаҳкам ва 10 баробар енгил карбон толаси ишлаб чиқариш учун зарур 2500 даражадан ортиқ ҳароратни қуёшдан олиш соҳада кескин бури-



лиш ясади. Шу билан бирга, аэрокосмос, автомобилсозлик, ускунасозлик саноатида катта эҳтиёж сезилаётган материал танларини бир неча баробар пайсантиради. Карбон толаси ишлаб чиқариш технологиясини яратиш ва саноатдан ўтказиш бўйича тадқиқотлар Дрезден техника университети (Германия) билан ҳамкорликда олиб борилмоқда.

Бир томондан энергия тақчиллиги сезилаётган, бошқа томондан табиатда глобал иқлим ўзгариши юз бераётган ҳозирги даврда водород энергетикаси, айниқса, "ашиш" водород энергетикаси йўналишида етакчи лабораториялар изланмоқда. Ер юзиде энг кўп тарқалган элемент бўлишига қарамай, водород, асосан, бирикма сифатида мавжудлиги ҳамда уни ажратиш олиш учун катта энергия зарурилиги туфайли таннархи юқорилиги (бир бирикм водород олиш учун 3 бирикм энергия сарфланади) водород энергетикасининг муаммосидир.

Олимларимиз суви термохимик усул билан қуёш энергияси ёрдамида парчалаш ва сақлаш учун Ўзбекистонда мавжуд материаллардан фойдаланган ҳолда яратилган нановазели абсорберлар водород таннархини 3 баробаргача пайсантириши таҳмин қилинмоқда.

Водород энергетикаси технологиялари ва материалларини яратиш йўналишида тадқиқотлар ўтказиш борасида Жанубий Кореянинг Саноат технологиялари институти, Хайфэй фан ва технологиялари университети (ХХР), Швейцариянинг водород энергетикаси материаллари бўйича миллий лабораторияси билан илмий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Яна бир янги юқори технологияли суғуролди наноту олиш технологияси бўлиб, уни яратишда Материалшунослик институти олимлари билан Даллас университети (АҚШ), Дрезден техника университети (Германия) олимлари ҳамкорликда фаолият юритмоқда.

Материалшунослик институти Фанлар академияси тизимида энг ёш илмий ташкилот бўлишига қарамай, илмий аъёнларига эга бўлиб улгурган. Институт олимлари яратган технологиялар саноат корхоналарида фаол жорий этилаётди. Масалан,

мамлакат нефть-газ саноати учун импорт ўрнини босувчи, табиий газни қуриштиш ва тозалашда фойдаланиладиган инерт керамик маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияси яратилиб, унинг асосида йилга 300 тонна маҳсулот ишлаб чиқарадиган цех ташкил этилган.

Шунингдек, "Олмалик КМК" АЖ корхоналари учун импорт ўрнини қопловчи, маҳаллий хомашё асосидаги олеин кислотаси ишлаб чиқариш технологияси яратилган. У йилга 200 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга саноат-тажриба участкаси ташкил этилишига асос бўлди.

Институт олимлари томонидан дунёда биринчи бўлиб фаол нанокөмпозитион қўшимчали плёнка ишлаб чиқариш технологияси йўлга қўйилди. Одатдаги технология бўйича плёнка уч қават қилиб ишлаб чиқарилади. Тақлиф этилаётган технология бўйича ҳар бир қаватга нанокөмпозит қўшилади. Нанокөмпозит кўп қаватли бўлганда, умумий тўзимда қават юзасининг фазалараро таъсирлашуви натижасида янги хусусиятлар пайдо бўлади. Муайян тўқкин узунлигидаги нур генерацияси, плёнканинг таъсирига бардошлилиги ортмиши, микрокристал қамайиши шулар жумласидан.

Яратилган плёнка қуёшдан келаётган ультракўнрақ нурни қизил ва инфракўнрақ тўқкинли нурга айлантиради. Инфракўнрақ нур тупроққа 1 метр чуқурликкача сингиб, қиздиради. Тупроқдан қайтган инфракўнрақ тўқкинли энергияни эса плёнка ташқарига чиқармайди. Эътиборлиси шундаки, бу нур энергияси 17-22 даражага тенг. Шунингдек, ультракўнрақ нурнинг бир фотонидан 20-30 гача инфракўнрақ фотон ҳосил бўлади. Бунинг ҳисобига ташқи ҳарорат -3-7°C совуқ бўлганда ҳам қўшимча қиздириш ички ҳароратни +5-7°C гача таъминлаш мумкин. Ваҳоланки, аъёнавий плёнкаларда бу кўрсаткич 0+2°C. Қўзил нур миқдори ошгани сабабли ўсимликлар ривожланиши 1,5-2 баробар тезлашади.

Ташқи ҳарорат +30°C дан юқорилаганда ҳам ультракўнрақ фотонлар 17-22°C даражали инфракўнрақ фотонга айланади, яъни композит ҳароратни барқарорлаштиради. Мазкур плёнка Тошкент, Фарғона ва Жиззах вилоятларидаги иссиқхоналарда қўлланилган энергия сарфи 60-65 фоиз қамайгани, ҳосилдорлик эса 30-50 фоиз ортгани қузатилган. Янги турдаги плёнка-



ни ишлаб чиқариш технологияси "Жиззах-пластмасса" АЖда саноат-тажриба миқёсида амалиётга жорий этилган. Иссиқхоналарда нанофаол қўшимчали плёнка билан бирга қуёш концентраторларидан фойдаланиб, уларни энергия ташувчилардан мўлжал фойдаланмай қиздириш, юқори шўрланган ва сув тақчил (дашт ва чўл) ҳудудларда ҳосил олиш имкони мавжуд. Суғориш масаласи ўзига сув ва нам тортувчи гидрогел қўллаш билан ҳал этилади.

Тошкент қувур заводи ва "Олмалик КМК" АЖнинг марказий таъмирлаш механика заводида янги турдаги (12 номдаги) пайвандлаш материаллари (флюслар) барча турдаги пўлат, қўйин пайвандланувчи алюминий, титан, никель қотишмаларини пайвандлашда саноатдан ўтказилган. Натижада пайвандлаш харажати уч баробар қисқарган.

Материалшунослик институти ва Сингапурнинг "JIT Engineering & Solutions Pte.Ltd" компанияси билан Ўзбекистонда яратилган юқори самарали пайвандлаш материаллари ва технологияларини Хиндистон ва Жанубий Осиё мамлакатлари бозорига сотиш тўғрисида келишувга эришилди. Унга мувофиқ, Материалшунослик институти муҳим конструкция (кўприк, бино, технология иншоот ва қурилма)ларда ишлатиладиган алюминий қотишмаси, зангламас пўлат ва бошқа металллар учун юқори самарали пайвандлаш материалларини яратиш ва саноатдан ўтказиш бўйича ишларни бажаради. "JIT Engineering & Solutions Pte.Ltd" компанияси эса янги маҳсулотлар ва технологияни халқаро бозорга олиб чиқиш ва илгари суриш ишлари билан шуғулланади.

Умуман, Материалшунослик институти ҳамда "Катта Қуёш қурилмаси" ноёб илмий объектидаги тадқиқотлар қўллаб-қувватлаш мақсадида тадқиқотлар олиб бориш истигани билдирётган илмий марказларнинг географияси кенгаймоқда. Буларнинг барчаси мазкур илмий объект базасида юқори технологиялар ва янги материаллар бўйича халқаро илмий хаб юзга келишига мустаҳкам асос бўлади.

